

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 41+415.6

МАЗМУНИ УМУМЛАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

СЛОЖНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ С ОБОБЩЕННЫМ СОДЕРЖАНИЕМ

A GENERALIZED COMPOUND SENTENCE

А.Мамажонов

Аннотация

Мақолада ўзбек тили синтаксисининг мураккаб масалаларидан бири бўлган мазмуни умумлашган қўшма гапларнинг структурал-семантик хусусиятларига доир фикр-мулоҳазалар юритилади.

Аннотация

В статье освещается один из сложных вопросов синтаксиса узбекского языка – структурно-семантические особенности обобщённых придаточных предложений.

Annotation

The article discusses the structural and semantic features of compound sentences, the content of which is one of the most complex issues of Uzbek language syntax.

Таянч сўз ва иборалар: синтаксис, қўшма гап, мураккаб қўшма гап, мазмуни умумлашган эргаш гап.

Ключевые слова и выражения: синтаксис, сложное предложение, осложнённое сложное предложение, семантически обобщённое придаточное предложение.

Keywords and expressions: syntax, compound sentence, complex compound sentence, generalized follow sentence.

Қўшма гап масаласи кўп йиллардан бери жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг диққатини ўзига жалб этиб келаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, бу мавзу тилшуносликнинг кенг ўрганилган соҳаларидан биридир, лекин ҳалигача бу мавзуга оид муаммолар тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Муаммоларнинг асосий сабаби шундаки, қўшма гап фикр ифодаси жиҳатидан синтактик шаклнинг энг юқори ва мураккаб кўринишларидан биридир. Шунинг учун қўшма гап талқинига бағишланган илмий-монографик тадқиқотларда ҳалигача баҳсталаб фикр талайгина. Жумладан, буларга қўшма гаплар таснифи ва таркибий қисмларининг номланиши, уларнинг боғланишини таъминловчи грамматик ва экстралингвистик омилларнинг функционал салмоғини аниқлаш, умуман, “қўшма гап” терминининг қўлланилиши билан боғлиқ кўплаб мунозарали қарашларни киритиш мумкин.

Бундай муаммолардан бири мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гаплар масаласидир.

Ўзбек тилшунослигида гап мазмунининг умумлашуви ва унинг кўпчиликка тааллуқли бўлиши масаласи,

асосан, содда гаплар мисолида, проф.

И.Расулов томонидан бир составли гаплар доирасида “Шахси умумлашган гаплар” номи остида ўрганилган бўлиб [6,1974], қўшма гаплар талқинида, деярли, унга кам эътибор қаратилган. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” асаридан баъзи маълумотларни олиш мумкин [4,1976].

Мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гаплар синтактик ҳодиса сифатида ўрганилган бўлиб, унга доир назарий маълумотларда нисбий сўзларнинг, асосан, ким-у, қайси бири-у(ўша), ҳар ким-у, нима-у(ўша), қанча-шунча, нечта-шунча, қандай-шундай, нечоғлик-шу даражада, қаер-шу ер каби жуфтликлари ажратиб кўрсатилади ва, асосан, қўшма гап компонентларини бириктирувчи восита сифатида эътироф этилади. Жуфтлик тарзида берилиши эса уларнинг эргаш гапли қўшма гапнинг ҳар иккала компонентида қўлланилиши билан боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда айрим манбаларда фақат бош гап таркибида қўлланадиган ва эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида келадиган кўрсатиш олмошлари нисбий сўз сифатида ажратилмаган [5,1995].

Мазмуни умумлашган қўшма гапларни Ғ.Абдурахмонов фақат қўшма гапнинг эргашган қўшма гап тури бўйича талқин этиб, бу

А.Мамажонов – ФарДУ профессори, “Турон” ФА академиги.

типдаги мураккаб синтактик бирликни “Умумлаштирувчи изоҳ эргаш гаплар” атамаси остида айтиб ўтади [1,1966].

Мазмуни умумлашган қўшма гап қисмлари ўзаро ҳавола бўлақлар ёрдамида муносабатга киришади. “Ҳавола бўлақ” атамаси ўзбек тилшунослигига биринчи мартаба профессор Н.Маҳмудов томонидан киритилган бўлиб, унинг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (ҳамкорликда 1992), “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис” (ҳамкорликда 1995) каби асарларида қўллаган. Унда эргаш гапли қўшма гаплар таркибида қўлланувчи ҳавола бўлақлар ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар берилган. Олим эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашда фақат эргаш предикатив бирликларнигина эмас, балки бош предикатив бирликларни ҳам ҳавола (дейктик) бўлақларнинг иштироки белгисига кўра: ҳавола бўлақли ва ҳавола бўлақсиз гапларга ажратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади [5,1995].

Ҳавола бўлақли синтактик конструкциялар ўзбек тилшунослигида монографик планда тадқиқотчи Д.Тешабоев томонидан махсус ўрганилган.[7.2019]

Мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гаплар нисбий олмош (айрим манбаларда нисбий сўз деб берилган) ёрдамида шаклланади. Бундай эргаш гапли қўшма гаплар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам жуда қўп тадқиқотларда учрайди [3,2007].

Мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гаплар шаклий тузилишига кўра бир неча турга ажратиш мумкин бўлади. Шаклий тузилишига кўра турларга ажратишда асосий эътибор уларда қўлланган нисбий сўзларнинг грамматик шаклига қаратилади. Маълумки, айрим қўшма гапларда нисбий сўз бирор келишиқда келади ва шунга кўра муайян синтактик вазифани бажаради.

Кимнинг сўзи рост бўлса, унинг юзи ёруғ бўлади гапида кимнинг ва унинг нисбий сўзлари иштирок этаяпти. Улар грамматик шаклига кўра қаратқич келишигида ишлатилган ва шунга асосан гапда қаратқич аниқловчи позициясида келади. Демак, нисбий сўзнинг грамматик шаклий тузилишига кўра уни аниқловчи эргаш гап сифатида талқин этиш мумкин бўлади.

Мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гап таркибидаги нисбий сўзлар ўзаро мослашиши ёки мослашмай қолиши ҳам кузатилади. Шунга кўра гапнинг тури ҳам ўзгаради. Шуни унутмаслик керакки, бундай қўшма гапларнинг эргаш гапи таркибидаги нисбий сўз шаклан ўзгармай қолавериши мумкин.

Шунинг учун гапнинг турини белгилашда бош гап таркибидаги нисбий сўзнинг грамматик тузилиши ҳисобга олинади, чунки эргаш гап айнан шу бўлақни изоҳлайди ва унинг вазифасини ўз зиммасига олади.

Ким ақл билан иш тутса, у хурматга лойиқ бўлади.

Ким ақл билан иш тутса, унга ҳаммага ишонади.

Ким ақл билан иш тутса, унинг хатоси кам бўлади.

Юқоридаги гапларнинг бош гапи таркибидаги нисбий сўзлар у (бош келишиқ), унга (жўналиш келишиги), унинг (қаратқич келишиги) шаклларида келгани учун биринчи гапда эга, иккинчи гапда тўлдирувчи, учинчи гапда қаратқич аниқловчи вазифаларини бажарган ва шунга кўра эга, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилган. Мисол тариқасида келтирилган қўшма гаплардаги “Ким ақл билан иш тутса” эргаш гапларининг бир хил моделда шаклланиши, уларнинг мазмунан бир хиллигини англатмайди, чунки бир хил грамматик шаклдаги эргаш гап билан бирикаётган бош гапларнинг семантикаси бир-биридан тамоман фарқ қилади.

Лисоний далиллар таҳлили тасдиқлайдики, мазмуни умумлашган эргаш гапли қўшма гапларда умумлашиш маъноси жиҳатидан хилма-хил бўлиши мумкин. Жумладан:

1. Шахс маъноси умумлашади: Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир. (А.Навоий)

2. Ўрин-жой маъноси умумлашади: Инсон қаёрда туғилса, ўша ер унинг ватанидир.

3. Нарса-буюм маъноси умумлашади: Нима экилса, шу нарса униб чиқади. (Мақол)

4. Белги маъноси умумлашади: Ота-она қайси йўлга бошласа, фарзанд ўша йўлдан юради. (“Одобнома”дан)

5. Миқдор маъноси умумлашади: қўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний
Қанча ўқисанг, шунча оз. (Мақол) Бундай тузилиши алоҳида бир чуқур изланишларни
далилларни кўплаб келтириш мумкин. талаб қилади.

Хулоса қилиб айтиш ўринлики, ўзбек
тилшунослигида мазмуни умумлашган

Адабиётлар:

1. Abdurakhmanov G. A Modern Uzbek Literary Language. Syntax. –Т.: UzDaily.com, 1966.
2. Mahmudov N., Nurmonov A. Theoretical Grammar of the Uzbek Language. Syntax. –Т., 1995.
3. Nurmonov A., Mahmudov N. Contextual syntax of the Uzbek language. Jizzakh. 2007.
4. Grammar of the Uzbek language. Volume 2 Tashkent. Publishing house "Fan". 1976. page 11
5. Mahmudov N. Nurmonov A. Theoretical Grammar of the Uzbek Language. –Т.: Publishing house "Teacher", 1995.
6. Rasulov I. Comprehensive sentences in contemporary Uzbek literary language. –Т., 1974.
7. Тешабоев Д. Ўзбек тилида ҳавола бўлакли конструкциялар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019.